



## А Х Б О Р О Т Х А Т И

Самарқанд ш.

2020 йил 2-3 июн кунлари

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йилида амалга оширишга оид давлат дастурига бағишлаб, **2020 йил 2-3 июн кунлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида** ёш олимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **“Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда илм-фан ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг долзарб муаммолари”** мавзусида ёш олимлар, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг XVII республика илмий-конференцияси ўтказилади.

**Конференцияда иштирок этиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича материаллар тақдим этиш мумкин:**

- архитектура, дизайн, шаҳарсозлик соҳаларини илм-фан ва инновацион ютуқлар асосида ривожлантиришнинг долзарб муаммолари;
- бино-иншоотлар ва муҳандислик коммуникациялари қурилиши, замонавий қурилиш материалларини яратиш ҳамда қурилиш технологияларини инновацион ривожлантириш истиқболлари;
- геология, математика, кимё ва биология соҳаларида фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар;
- ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрларини ривожлантиришда замонавий рақамли технологияларни жорий этиш муаммолари;
- глобал иқлим ўзгариши, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари;
- иқтисодиёт тармоқлари, туризм, сервис ва кўчмас мулк бозори соҳаларида қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг инновацион ечимлари;
- ахборот коммуникацион технологияларни ривожлантириш ва соҳани инновацион ривожлантириш;
- кадрлар сифатини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида инновацион ёндашувлар, архитектура ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш муаммолари ва ечимлари.

**Конференциянинг расмий тиллари: ўзбек, рус ва инглиз.**

Илмий анжуманда иштирок этишни хоҳловчилар **3-5 саҳифа** ҳажмдаги ва пухта таҳрирланган материалларини конференция тўпламида чоп этириш учун **2020 йил 15 майгача** [samgasikonf2020@mail.ru](mailto:samgasikonf2020@mail.ru) электрон манзилига ёки Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига электрон кўринишда тақдим этишлари лозим. Битта муаллифдан 2 та дан ортиқ мақола қабул қилинмайди.

**Конференциянинг асосий тадбирлари:**

- илмий маърузаларни муҳокама этиш бўйича ялпи ва секция мажлислари;
- илмий тадқиқот олиб бориш жараёнини такомиллаштириш бўйича илмий мактаб яратган профессорлар томонидан ўтказиладиган мастер кلاسлар;
- тадқиқотлар йўналишлари бўйича **“Энг яхши инновацион ғоя”** ва **“Энг яхши илмий маъруза”** танловлари ўтказилади, ғолиблар сертификат ва дипломлар билан тақдирланадилар.

**Мақолаларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:**  
мақолаларни расмийлаштиришда **IMRAD** структурасидан (<https://ru.wikipedia.org/wiki/IMRAD>) фойдаланиш талаб этилади. Илмий мақолалар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 форматдаги қоғозга, ҳамма томонидан яъни, юқоридан, пастдан, чапдан ва ўнгдан 2 см жой қолдириб, 1 нусхада расмийлаштирилади. Мақоланинг номи, 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми ва отасининг исми ҳамда фамилияси бош ҳарфларда ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб, матннинг мазмуни 1,5 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нусхаси MS Word/ttf дастурида, Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталигида бўлиши ва 5 бетдан ошмаслиги лозим.

- илмий мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

Конференция материаллари сифатини ошириш мақсадида тақдим этилган материаллар антиплагиат дастурида текширилади.

Муддатидан кечиктириб топширилган ёки талабларга жавоб бермайдиган мақола ва тезислар қабул қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Конференция материаллари тўплами муаллифлар матнидан бевосита ўзгартиришсиз чоп этилади. Шунинг учун мақоладаги грамматик ва имловий хатолар учун муаллифлар жавобгардир.

Конференция материаллари тўплами муаллифлар ҳисобидан нашр этилишини эътиборга олиб, қабул қилинган мақолаларнинг **ҳар бир саҳифаси учун** муаллифлар **15000 (ўн беш минг)** сўм миқдорда ташкилий бадал маблағларини тўлашлари лозим.

Меҳмонхонада яшаш ва йўл ҳаражатлари иштирокчиларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилади.

**Мурожаат учун ташкилий қўмита:** 140147, Самарқанд ш., Лолазор кўчаси 70 уй. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. Усмон Ашурович Хушвақтов, Лазизбек Тошпўлатович Ибрагимов. Тел: (0-366) 237-18-47, +99891-551-47-97, **E-mail:** [samgasikonf2020@mail.ru](mailto:samgasikonf2020@mail.ru)

*Ахборот хати СамДАҚИнинг расмий <http://samgasi.uz> сайтида ҳам эълон қилинган.*

Намуна

УДК: 528.946

## **ЕР РЕСУРСЛАРИДАН КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ КАРТОГРАФИК УСЛУБДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**Жураев Фарход Нозимович**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти, иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd), Самарқанд [Farxod7801@rambler.ru](mailto:Farxod7801@rambler.ru), тел: +99891-551-47-97

**Аннотация:** (3 тилда 5-10 сатр)

**Калит сўзлар.** (3 тилда 5-10 сўз)

**Кириш.**

**Тадқиқотнинг долзарблиги.**

**Тадқиқот объекти ва усуллари.**

**Тадқиқот натижалари.**

**Тадқиқот муҳокамаси ва хулосалар .**

**Фойдаланилган адабиётлар**